

Африкада ажойиб дизайнли энг катта масжид




11:30 / 02.06.2021 2677

2020 йил 28 октябр куни дунёдаги масжидлар орасида энг баланд минора ва 120 минг кишилик ўриндиқларга эга, асл маҳаллий меъморчилиги билан қурилган Жазоир масжиди очилган.

Ушбу масжид Жазоирнинг буюк масжиди деб ҳам аталади. Масжид 377 минг квадрат метр майдонга эга бўлган катта мажмуа ҳисобланади. Мажмуа катта ҳовли ва савдо мажмуаси, шунингдек 14 гектар исломий боғни ўз ичига олади. Бундан ташқари, 300 та докторантлар учун мўлжалланган маданий-маърифий марказ ва бир миллиондан ортиқ китобга эга кутубхона мавжуд.

9,7 тонна ва диаметри 13,7 метр бўлган дунёдаги энг катта қандил бу
масжиднинг ички қисмини ёритиб туради.

Image not found or type unknown



Жазоир буюк масжид минорасининг баландлиги 265 метр бўлиб, ушбу
минорадан азон овози уч километргача эшитилади.

Image not found or type unknown



Минора анъанавий квадрат шаклда қурилган ва 38 қаватида телескоп мавжуд. Ундан меҳмонлар шаҳарнинг 360 даража кўринишини томоша қилишлари мумкин. Ушбу масжиднинг ўн беш қавати Ислон тарихи ва санъати музейи учун, саккиз қавати эса Олий таълим институти учун сақланган.

Масжиднинг ички дизайни етти километрлик хаттотлик ёзувлари, атиргул ва Жазоирнинг анъанавий нақшларини ўз ичига олади.

Мажмуада касалхона, почта алоқаси ва болалар боғчаси ҳамда конференц заллари, шунингдек 4000 та автомобил учун автотураргоҳ мўлжалланган.

Хуршид Маъруф тайёрлади